

Ishonch


МОҲИЯТ
Обод деганда,
халқимиз, миллати-
миз нафақат кўркам
ва чиройли, шу билан
бирга, тинчлик ва
осойишталик, ўзаро
меҳр-оқибат, аҳил-
лик, қут-барака
хукмрон бўлган
жойларни тасаввур
қилади.
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»



«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олган.

Китоб шаклида ilk бор чоп этилаётган бу чиқишларнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланиши албатта бежиз эмас. Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган гоёт оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг ўлкамизни чўқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъий ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловидида голиб чиқиб, Президентлик касамедини қабул қилишигача бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.

Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофича ёритиб берилди.

Маълумки, 1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатъон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, «пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган эди. Коммунистик партиянинг бош наشري бўлган «Правда» газетасининг «Олтин хазинаси устидаги илон» деб ном олган мақоласида, бошқа етакчи марказий нашрларда халқимиз бошига тинимсиз тўхмат ва бўҳтонлар ёғдирилмоқда эди. Собиқ Марказдан жорборилган, эл-юртимиз ўртасида «десантчилар» деб ном олган гуруҳлар томонидан қанча-қанча беғунох инсонлар, бутун-бутун оилалар тазйиқ ва таъкидларга учраганини жамоатчилигимиз яхши эслайди.

Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидида асрий оруз — истиқлол гоёси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Агарки бу китобнинг маъно-мазмунини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва гоёларни Ислом Каримов ўша долғали йиллардаёқ, узокни кўрган ҳолда, ўзига нечоғлиқ аниқ-равшан тасаввур этгани мазкур тўпламнинг ҳар бир саҳифасидан баҳисси қилиш мумкин бўлиб ўтишини таъкидлаш ўринлидир.

Шу давр мобайнида ўлкамизда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Уш, Наманган воқеалари пайтида, тарихда «ГКЧП» деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий тўнтариш чоғида ва бошқа шу каби ўта кескин вазиятларда Ислом Каримовнинг яққо ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимизнинг тинчлиги ва ҳаёсийлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганини тасдиқлайдиган тарихий манбалар ҳам ушбу китобда ўз аксини топган.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишларда касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Гулистонда касба уюшма ташкилотлари Сирдарё вилоят бирлашмаси кенгаши ЎзКУФК ўқув маркази билан ҳамкорликда «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда касба уюшмаларининг роли» мавзусида ўтказилган ўқув-амалий семинарда ана шу масала хусусида атрофича фикр юритилди. Унда таниқли олимлар, ЎзКУФК ўқув маркази ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари вакиллари, вилоят касба уюшмалари раҳбар ва фаоллари иштирок этди.


Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишларда касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Гулистонда касба уюшма ташкилотлари Сирдарё вилоят бирлашмаси кенгаши ЎзКУФК ўқув маркази билан ҳамкорликда «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда касба уюшмаларининг роли» мавзусида ўтказилган ўқув-амалий семинарда ана шу масала хусусида атрофича фикр юритилди. Унда таниқли олимлар, ЎзКУФК ўқув маркази ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари вакиллари, вилоят касба уюшмалари раҳбар ва фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишларда касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Гулистонда касба уюшма ташкилотлари Сирдарё вилоят бирлашмаси кенгаши ЎзКУФК ўқув маркази билан ҳамкорликда «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда касба уюшмаларининг роли» мавзусида ўтказилган ўқув-амалий семинарда ана шу масала хусусида атрофича фикр юритилди. Унда таниқли олимлар, ЎзКУФК ўқув маркази ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари вакиллари, вилоят касба уюшмалари раҳбар ва фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишларда касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Гулистонда касба уюшма ташкилотлари Сирдарё вилоят бирлашмаси кенгаши ЎзКУФК ўқув маркази билан ҳамкорликда «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда касба уюшмаларининг роли» мавзусида ўтказилган ўқув-амалий семинарда ана шу масала хусусида атрофича фикр юритилди. Унда таниқли олимлар, ЎзКУФК ўқув маркази ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари вакиллари, вилоят касба уюшмалари раҳбар ва фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишларда касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Гулистонда касба уюшма ташкилотлари Сирдарё вилоят бирлашмаси кенгаши ЎзКУФК ўқув маркази билан ҳамкорликда «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда касба уюшмаларининг роли» мавзусида ўтказилган ўқув-амалий семинарда ана шу масала хусусида атрофича фикр юритилди. Унда таниқли олимлар, ЎзКУФК ўқув маркази ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари вакиллари, вилоят касба уюшмалари раҳбар ва фаоллари иштирок этди.

(Ўза)



Маҳалла фаоллар оталиғида

Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида энг улғу ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини катта кўтаринкилик билан қутиб олишга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Муассаса ва корхона-ташкilotлар, қолаверса, ҳар бир юрtdошимиз муборак тўйга муносиб тўхфа ҳозирлаш билан банд. Бу эзгу тadbирда касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, касба уюшма ташкilotлари томонидан пойтахтимизнинг Миробод ту-

гани ҳудудидида улғу байрамга тайёргарлик кўриш ва уни нишонлашга оид қатор ташкилий-амалий, маданий-маърифий тadbирлар, тарғибот-ташвиқот ҳамда кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Тумандаги маҳаллаларга тармоқ Марказий ва шаҳар кенгашлари раҳбар ҳамда фаоллари масъул этиб тайинланиб, мазкур юмушларнинг бажарилишига бош-қош бўлишяпти. (Давоми 2-бетда)

Семинар

Касбақўм фаолиятида Президент концепцияси

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишларда касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Гулистонда касба уюшма ташкilotлари Сирдарё вилоят бирлашмаси кенгаши ЎзКУФК ўқув маркази билан ҳамкорликда «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда касба уюшмаларининг роли» мавзусида ўтказилган ўқув-амалий семинарда ана шу масала хусусида атрофича фикр юритилди. Унда таниқли олимлар, ЎзКУФК ўқув маркази ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари вакиллари, вилоят касба уюшмалари раҳбар ва фаоллари иштирок этди.

Семинарни касба уюшма ташкilotлари Сирдарё вилоят бирлашмаси кенгаши раиси К.Оқбўтаев очиб, Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да жамият ҳаётининг барча жаҳдаларини модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи белгилаб берилганини, юртимизда иқтисодий ислохотлар сиёсий тизимни демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, фуқароларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданиятини ошириш билан ҳамкорлик амалга оширилаётганини таъкидлади.

Сўнг ЎзКУФК ўқув маркази директори Константин Перверзев сўзга чиқди: — Ушбу анжуманда таниш чеҳраларни кўриб, қалбим тоғдек ўсди, — деди у. — Йигирма йилча аввал «Ўқувларлар сафиди елкама-ёлка туриб меҳнат қилганим кўз олдимда гавдаланди. Бугун сирдарёлик 200 мингдан зиёд касба уюшма аъзолари ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳозирлаётганидан яхши хабардоримиз. Айтиш жоизки, истиқлол йиллари бунёдкорлик ва яратувчанликда асрларга татигулик бўлди. Гулистон шаҳри гулларга бурқаниб, кўркам жамолини кўз-кўз қилиб турибди. Олис ва чекка қишлоқлар ҳам ободлашиб бораётир. (Давоми 2-бетда)

Кўрик-танлов

Республика Президентининг «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Фарғона вилоятида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Касаначиликка кенг йўл

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлиги натижасида бугунги кунда 100 дан ортиқ йирик sanoat корхоналари, кичик корхоналар ва хусусий фирмалар фаолият кўрсатиб, 12 мингдан зиёд хотин-қизлар касаначилик асосида иш билан банд қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилнинг 6 ойи давомида бу кўрсаткич янада салмоқли бўлди. 4,5 мингта янги касаначилик асосида иш ўринлари яратилиб, уларнинг 70 фоизиди хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Корхоналар буюртмаси бўйича ўйда бутловчи буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқараётган аёллар вилоят ривожига ўз хиссаларини қўшиб келишмоқда. Касаначиларни ижтимоий муҳофаза қилишда касба уюшмалари ташкilotлари яқиндан қўмақ бermoқда. Жумладан, касаначилар билан корхоналар ўртасида меҳнат шартномалари тузилган бўлиб, улар меҳнатига ҳақ тўлаш доимий назоратта олинган. Касаначи аёлларни корхона ва хотин-қизлар фаолиятига кенгрок жалб этиш, касаначиликни ривожлантиришда ибрат бўлаётган корхона, ташкilotларни тарғиб этиш мақсадида «Энг фаол касаначи аёл» кўрик-танлови ташкил этилган. Бу тadbир вилоят касба уюшма ташкilotлари бирлашмаси кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Кўрик-танловнинг 1-босқичида 110 нафар касаначи аёл қатнашган бўлса, вилоят босқичида 18 та шаҳар ва туман голиблари иштирок этишди. (Давоми 2-бетда)

Янги кун ангилликлари

Фуқаролар йиғинларига эътибор

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими Мустақилликнинг йигирма йиллиги шарафига ўз тизимида алоҳида ташаббускорлик ишлари билан ибрат фуқаролар йиғинига компютер жамланмаси ва 30 та ўзини-ўзи бошқариш органига меҳел жиҳозлари тортиқ қилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури ижросига қаратилган тadbирлар ва жамғарма вилоят бўлими иш режасига кўра 5347 нафар кам таъминланган оила ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларга 263,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали оилаларга 56 бош қорамол олиб берилди. Уйда таҳсил олаётган имконияти чекланган 3 нафар болага компютер тўплами совға қилинди.

Исзатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ярим йилда 1,5 мингта иш ўрни

Дўстлик туманида бугун пахта ва ғалла билан бир қаторда мева, сабзавот, полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш баробарида, улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор ортимоқда. Ўтган ярим йилликда туманда 1,5 мингта янги иш ўрни яратилди. 50 миллион сўмлик sanoat маҳсулотини ишлаб чиқаришда Маҳсулотнинг бир қисми четга экспорт қилинди.

Туманда ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилган. Аҳоли юз фоиз табиий газ, 85 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланган. — Кишлоқларимиз истиқлол нуридан янада обод ва кўркамлашиб бermoқда, — дейди «Истиқлол» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуқалил Кенжаев. — Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар-жойлар, айнақса, қишлоқ кўрғига кўрк қўшиб, халқимиз турмуш тарзи юксалмоқда.

Абдумонноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Фирма дўкони ишга тушди

Касби туманидаги «Ясурий» наслчилик маъсулияти чекланган жамияти Қарши шаҳрида ўзининг Фирма дўконини очди. — Бир кеча-кундузда 1,5 тонна сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, шаҳарликларга етказиб берилаяпти, — дейди маъсулияти чекланган жамият раиси Насрулла Худойбердиев. — Бундан ташқари, миллий таомлар тайёрланадиган чойхона ҳамда кафе-бар ишлаб турибди. Фирма дўконидида сўт маҳсулотларидан ташқари, жамиятнинг ёрдами ҳўжалигини да ғиштирилган асал ҳам сотилмоқда. Исзат ХИҚМАТОВ

Касабақўм фаолиятида Президент концепцияси

К. Оқбўтаев: — Юртимизда суд-хуқук тизимини демократик модернизация қилиш дастури босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда...

Узбекистонда 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши дунё жамоатчилиги эътирофи сазовор бўлди...

Абдуҳалиқ Абдуразақов, «Ishonch» ва «Ishonch-Довери» газеталари бош муҳаррири:

— Сирдарё матбуоти тарихи ҳақида гап борганда, Акмал Пулат, Султон Акбарий, Самар Нуров, Самад Қодиров...

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда матбуотга, умуман, ОАВга эътибор ортмоқда. Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган таърифи ҳам эътироф баробарида эътиборга йўлланган.

Шубҳасиз, демократик янгиланиш ва ушбу жараён самардорлигини оширишни таъминлашда ОАВ муҳим ўрин тутди...

К. Оқбўтаев:

— Мамлакатимизда самарали сайлов тизими ва тегишли қонунчилик шакллантирилган бўлиб, улар мамлакатни изчил ривожлантириш шарт-шароитлари ҳамда халқаро демократик стандартларга тўла мосдир.

Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнини янада либераллаштириш, уларнинг янада кўпроқ очик ва ошкоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқот ўтказиш механизми ҳамда сайлов комиссиялари фаолияти самардорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Фахриддин Мусаев, ЎзМУ Фалсафа факултетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор:

— Юртимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишда катта таърибга тўлган. Ушбу жараённи тартибга солишни қонунчилик базаси жадал ривожлантириш шарт-шароитлари ҳамда халқаро демократик стандартларга тўла мосдир.

Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнини янада либераллаштириш, уларнинг янада кўпроқ очик ва ошкоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқот ўтказиш механизми ҳамда сайлов комиссиялари фаолияти самардорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Фахриддин Мусаев, ЎзМУ Фалсафа факултетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор:

— Юртимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишда катта таърибга тўлган. Ушбу жараённи тартибга солишни қонунчилик базаси жадал ривожлантириш шарт-шароитлари ҳамда халқаро демократик стандартларга тўла мосдир.

Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнини янада либераллаштириш, уларнинг янада кўпроқ очик ва ошкоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқот ўтказиш механизми ҳамда сайлов комиссиялари фаолияти самардорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Самин Раҳимов, Тошкент молия институти фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори:

— Европанинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, уларнинг вақтни қадрлашига тан берганман. Болтиқбўйи давлатларида бўлганимда бир оилавий тадбиркорлар фаолияти билан танишдим. Улар икки бош соғин сизир билан юқори даромад соҳибига айланган. Уддабурноқда гап кўп экан.

Концепцияда бозор ислохотлари ва иқтисодий тартибни тартибга солишни таъминлашда ОАВ муҳим ўрин тутди. Кенг қўллали демократик ислохотлар давлат эркини ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқаролик институтларини тизимда уларнинг ролини кўчатириш, ислохотларнинг очик ва ошкоралигини таъминлашда улкан, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Йўлдош Каримов, Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди:

— Бугун энг оммавий жамоат ташкилотлари — касаба уюшмалари ҳам одамлар онги ва тафаккурини кенгайтириш борасида қатор ишларни амалга ошираётган. Лекин бу ҳали кам. Назаримда, жамиятимиздаги ислохотлар одамлар онгидан олдинда бормоқда. Шунинг учун эркин тафаккурни шакллантириш муҳим ва Президент концепциясида бунга алоҳида эътибор қаратилган.

Семинарда касаба уюшма фаоллари ҳам қизиқарли фикр ва тақлифлари билан иштирок этишди. Жумладан, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бўлими мудири Миржалол ОТАБЕКОВ куйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Телевидение энг тезкор оммавий ахборот воситаси сифатида ҳаётимиздан кенг ўрин олган. Телевидениеда бериб борилаётган айрим одоб-ахлоқ мавзусидаги кўрсатувларда (масалан, келин-қайнона муносабатларида) телебошловчи ҳали ҳаёт нелигини билиб улгурмаган қизларга юзланиб, улардан фикр-мулоҳазаларини сўрайди. Бу эса томошабиннинг эҳсосини қотириши табиийдир.

Яна бир мулоҳаза. Қайси бир мусулман ёки ҳижозга ҳуқуқат томонидан эътибор қаратилса (масалан, енгил автомобилларда ённинг қарши мусулман бўлиши шартлиги), унинг бозорда савдо си чаққонлашиб, нархи осмонга чиқмоқда. Нархни муътадиллаштириб туришда, албатта, жамоатчилик назорати зарурга ўхшайди.

Шунингдек, касаба уюшма фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Сўхбатни «Ishonch» муҳбири Абдуманноп АЗИМОВ ёзиб олди



Оромгоҳда қизғин палла

Олтинсой туманидаги «Вахшвор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бу йил ўзгача чирой очди. «Термиз» халқаро аэропорти иши-ҳодимларининг фарзандлари бир неча йилдирки ёзги таътилни ана шу оромгоҳда мароқ билан ўтказадилар.

Хушманзара ва сўлим тоғли гўшда жойлашган ба масканга асли касби педагог бўлган Абдувоҳид Ҳожи Каримов узоқ йиллардан буйён раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ҳомий муассасалар ҳамда Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан оромгоҳ қайта таъмирланиб, болаларимиз мароқли дам олишлари учун барча қулайлик яратилди.

Оромгоҳ худудидан ўтадиган тоғ дарёсининг шовуллаб оқиши ўзгача завқ бериб, руҳингизга ором, танангизга роҳат бағишлайди.

— Мен бу оромгоҳга учинчи бора келишим, — дейди Муҳлиса Мухамедова. — Янги танишган дугоналарим билан маза қилиб дам олялман. Шунингдек, бичиш-тиқиш, расм чизиш тўғрисида ҳам қатнашган. Компьютер, шахмат-шашка хоналарида эса тенгдошларимиз билан турли мусобақалар ўтказилган.

Зиёвуддин НАЖМИДИНОВ, «Термиз» аэропорти касаба уюшма кўмитаси раиси

Соғломлаштириш

Тошкент вилоятининг «Нурафшон», «Фунча», «Белдирсой» соғломлаштириш оромгоҳларида қорақалпоғистонлик 290 нафар бола ҳордиқ чиқарди.

Боланг соғ — кўнглинг чоғ



«Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзусида шоир-ёзувчилар иштироки-

да ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, театр артистлари ва бадий жамоалари томонидан намойиш этилган саҳна асарлари, концерт дастурлари, таниқли спортчилар билан учрашувлар болалар қалбида унутилмас таассурот қолдирди.

Озод Абдуқамолов, Шуманай туманидаги 16-мактабнинг 5-синф ўқувчиси:

— «Фунча» оромгоҳи тоғлар бағрида жойлашган экан. Бу ерда «Мохир кўллар» тўғрагида катнашдим ҳамда бассейнда мириқиб чўмилдим, футбол мусо-

бақаларида иштирок этдим. Келгуси йили яна шу оромгоҳга келиш истагим бор.

Ойдўст Ибрагимов, Беруний туманидаги 27-мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

— «Белдирсой» оромгоҳи бир умрга ёдимда қолади-ган бўлди. Стол тенниси, футбол билан шугулландим. Оромгоҳдаги турли тадбирларда, Узбекистоннинг тарихи, миллий урф-одатларини ўрганишга қаратилган «Кувноқ маҳалла» каби танловларда қатнашдим. Оромгоҳ ҳавоси жуда ҳам ёқди.

Улуғбек ПУЛТОВ, Козим УЛМАСОВ олган суратлар

Кундан кун яхши

«Болалар тарбияси, бу — фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етказиш демакдир. Яъни, уларни ҳаёт-мамонт майдонига кучли бадан, соғлом фикр ва яхши ахлоқ билан қуроллантириб юбориш демакдир». Маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг юқоридаги сўзлари мамлакатимизда баркамол авлодни воғга етказиш йўлида олиб борилаётган ишларда мужассам, десак асло муболага бўлмайди.

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси Ҳисоролди нефт-газ қидирув экспедиция шўъба қорхонасига қарашли «Беруний» оромгоҳида ҳам болалар зерикашга вақт топмайди. Бир кун «Оромгоҳ маликаси» танлови ўтса, бошқа кун «Оромгоҳ шахзодаси»сининг номи маълум бўлади. «Мен буюк ва муқаддас Ватанимни севаман!», «Мустақил юрт — 20 ёшда», «Энг яхши китобхон» кўрик-танловларида ўғил-қизларнинг тасвирий санъат, адабиёт соҳасидаги билимлари чиғриқдан ўтказилса, «Балли, етакчи», «Балли, тарбиячи» тадбирлари етакчилар маҳоратини синая кўради. Спорт мусобақалари, кўнгличлар ўйинларини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Оромгоҳда спорт билан шугулланиш, мусобақалар ўтказиш учун барча шароит муҳайё.

Оромгоҳда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, қўшимча маблағлар ишлаб топиш яхши йўлга қўйилган. 2009 йилда иш бошлаган болаларнинг қисмида бир ойда ўн тонна ун тайёр маҳсулотга айланади. Иссиққина болалар оромгоҳи эҳтиёжини тўлиқ қоплаш билан бирга, шаҳар аҳолисига ҳам етказиб беришмоқда.

— Жорий йилда «Беруний»да 2400 нафар болани дам олдириш режалаштирилган бўлиб, у ортиги билан бажарилмоқда, — дейди маскан раҳбари Лутфулла Каримов. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида оромгоҳнинг имкониятларидан келиб чиқиб, яна қўшимча маблағлар ишлаб топиш чораларини кўрмоқдамиз. Барча шароитларга эга меҳмонхонамиз ҳам бор.

А. АКМАЛОВ

«Устоз-шоғирд» анъанаси

«Ғиждувон Машхураси» хусусий фирмасининг кейинги фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлган Соктаре ва Даштак қишлоқларида яшовчи, коллежини эндигина битирган Дилсора Азимова ҳамда Гулҳумор Ғайбуллаева тикувчилик касбига иштиёқи баландлиги боис турли марказидаги таниқли тадбиркор Замирахон Сафаровага учрашди.

Коллеждан — фирмага

— Сизнинг фирмангизда хунар ўрганиб, бири-бирдан чиройли, замонавий либослар тикаятган қизларнинг ишларига ҳавасимиз келди, — дейишди қизлар ўзларини таништиргач. — Коллежда ўрганганларимизни янгигина дизайнлар ҳисобига бойитмоқчимиз...

З.Сафарова ёшлар билан бироз суҳбатлашгач, уларнинг тақлифини қабул қилди. Кўп ўтмай, Дилсора ва Гулҳумор коллеж бити-

рувчиларининг 30 нафари қатори янгидан тузилган гуруҳ сафидан ўрин олишди.

Дарҳақиқат, фирма раҳбарияти ёшларнинг касб ўрганишлари учун йил сайин имкониятларини кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг ўзида туман ҳокимлигининг ёрдами билан «Ғиждувон МТП» очик акциядорлик жамиятига қарашли бўш бинолардан бири ижарага берилди. Хараба холга келиб қолган бино қисқа муддатда обдон таъ-

мирланиб, янги қиёфа касб этди. Шинам, кенг ва ёруғ хоналарда тикув машиналари, бичув дастгоҳлари ва бошқа зарур анжомлар ўрнатилди.

Эндиликда «Устоз ва шоғирд» анъанасига амал қилиб, янги бинода машғуллар олиб борилаётган. Мадина Сафарова, Диловар Қурбонова, Обида Ғайзуева, Сарвиноз Эргашева сингари юқори маҳалаки устозлар шоғирдлари тикувчиликнинг нозик сирларини кунт билан ўргатмоқ-

Изазатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Кредит эвазига

«Савдогар» ОАТБ Андижон вилоят филиали томонидан йўналтирилаётган кредит маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтиришга ҳамда иқтисодий тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилиб, янги иш ўринлари яратишда муҳим омили бўлаётган.

Жорий йилнинг 1 июлига қадар филиал 25 нафар тадбиркорга кредит ажратди. Жумладан, хусусий тадбиркор

Ҳаётбек Мирзаев раҳбарлик қилаётган «Шахриёр транс элит» МЧЖга (аҳолига хизмат кўрсатадиган машина сотиб олиш учун) 36 ой муддатга йиллик 14 фоиз устамга тўлаш шarti билан 583,8 млн. сўм, Хўжаобод туманидаги «Шифо» МЧЖга (тиббий докa ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун) 160 млн. сўм миқдорда кредит берилди ва бунинг натижасида ўлароқ 23 та янги иш ўрни вужудга келди. Президентимизнинг «Андижон вилоя-

ти тураржой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан филиал 450,4 млн. сўмдан зиёд кредит ажратди. Бу эса 31 та янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Тадбиркор аёлларга ва асосан аёллар меҳнат қиладиган қорхоналарга ажратилган жами 747, млн. сўм кенгити маблағлари эвазига 42 та янги иш ўрни барпо этилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Касаначиликка кенг йўл

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўрик-танлов қатнашчилари касаначилик фаолиятини қачондан бошлагани, оила бюджетига қўшаётган даромади, касаначиликнинг афзалликлари ҳақида гапириб, касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, жамoa ва меҳнат шартномалари орқали хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар, иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий билимларига оид саволларга жавоб беришди.

Ҳайбат аъзолари томонидан «Энг фаол касаначи аёл» кўрик-танловига биринчи ўрин Фаргона нефтни қайта ишлаш қорхонаси касаначиси Махлиё Умарова, иккинчи ўрин «Беширқектилик» қорхонаси касаначиси Нигора Нишоновна, учинчи ўрин Қўқон ёғ-мой ОАЖ касаначиси Мухайё Нурматовга насиб этди. Қўқон нефтни қайта ишлаш қорхонаси ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг махсус савгалари топширилди. Кўрик-танловда қатнашган касаначи аёллар Фахрий ёрлик ҳамда вилоят меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофазаси қилиш бошқармаси, вилоят «Маҳалла» жамғармаси томонидан муносиб тақдирланди.

Сурайё АГЛАЕВА

Маҳалла фаоллар оталиғида

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги барчамиз учун чекиз қувонгга тўла шодибна, — дейди Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Тўлқун Тешабоев. — Шундай улғу айём арафасида биз, касаба уюшма фаоллари ҳам энг шимариб, ободонлаштириш ишларини амалга оширишга ҳисса қўшаётимиз.

Ҳозирда худуднинг 6 та округидаги Ойбек, «Мингўрик», «Узбекистон», Ат-Термизий, Авлоний, Ш.Рашидов, «Салар», «Боғишамол», «Афросиёб», «Моварунахр» маҳаллалари Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигини тарғиб қилувчи 3-5 хилдаги баннерлар билан таъминланди. Қўқаватли уйлар атрофи чиқиндилардан тозаланиб, дарактлар-

га қайта шакл берилди ва оқланди. Қатор қўқаватли уйларнинг кириш йўлакларини тозаланиб, таъмирдан чиқарилди.

Жумладан, Ойбек маҳалласининг Чехов кўчасидаги ТП-53 рақамли электр шит таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. «Мингўрик» маҳалласида 9 хилдаги тарғибот баннерлари ўрнатилди. Шунингдек, Авлоний маҳалласининг Авлиёота-Нукус кўчасидаги 2-уй, «Госпитал» мавзесидаги 9-уй, Қунаев кўчасидаги 4-уй, Катта Миробод кўчасидаги 5-уйнинг жами 37 та кириш йўлаги таъмирдан чиқарилди. Ш.Рашидов маҳалласидаги болалар майдончаси эса қайта таъмирланиб, 10 та ўриндик ўрнатилди. «Салар» маҳалласининг Нукус кўчасидаги 5, 13, 15, 17-уйларнинг ертўллари тозаланиб, қайта таъмирланди.

Бундан ташқари, Нукус кўчасидаги 7, 9, 11-уйларнинг 6 та, Туркистон кўчасидаги 10-уйнинг 4 та кириш йўлаги таъмирдан чиқарилди. Амир Темур кўчасидаги ҳар бир уй тарғибот баннерлари билан таъминланди. Бундай кенг қўллами ишлар «Узбекистон», «Моварунахр», Ат-Термизий, «Боғишамол» ва «Афросиёб» маҳаллаларида ҳам олиб борилади.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари кўмагида кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга моддий ёрдам кўрсатишмоқда.

— Истиклолимизнинг шонли санасини кенг нишонлаш ҳар биримизга фарҳ ва гурур бағишлайди, — дейди «Боғишамол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Замир Мустафоев. — Маҳалладошларимиз бир

ёқадан бош чиқариб, юқори кайфиятда энг улғу байрамимизни катта тайёргарлик билан қарши олишмоқда. Барчанинг кўнглида кўтаринки руҳ ҳукмрон.

Ҳозирга қадар касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан худуддаги маҳаллаларда 14,4 млн. сўмлик ободонлаштириш, тарғибот-ташвиқот жиҳозлари билан таъминлаш ишлари олиб борилади. Айни кунда бу борадаги ишлар янада қизгин давом эттирилмоқда. Зеро, озод Ватанимизнинг кутлуг байрамига ана шундай кенг қўлмадаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари, бирдамлик, кўтаринкилик кайфияти ярашди.

Тўлқун ШЕРНАЕВ, «Ishonch» муҳбири

«Чинобод санаторийси» очик акционерлик жамияти жамоаси



Юрдошларимиз ва барча тиббиёт
ходимларини улуг айём —

Мустақилликнинг 20 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.



Самарали меҳнатингиз мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан тараққиети, халқ фаровонлиги ва саломатлигига муносиб улуш бўлиб қўшилаверсин. Эзгу ишда барчангизга сихат-саломатлик, ойлавий бахт ва хонадонингизга файз-барака тилаймиз.



Эътироф

Мустақиллик барча касб эгалари, айниқса, эркин ижод кишилари учун кенг имкониятлар яратди. Илм-фан, хусусан тиббиётда катта ютуқларга эришилди. Жаҳон талабларига жавоб берадиган янги шифоналар қурилиб, илғор тиббий техника ва ускуналар билан жиҳозланди. Аҳолига тиббий хизматни ва диагностикани янада яхшилаш учун юксак даражадаги лабораториялар, функционал диагностика марказлари компютер томографияси билан бойиди.

Бу бир гўшаки...

Тиббиёт соҳасидаги тараққиётни «Чинобод» санаторийси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда кейинги йилларда маъданли сув, бальнеотерапия, физиотерапия муолажалари билан бир қаторда мониторинг гидроколонтотерапия ва бошқа муолажалар йўлга қўйилди. Таянч аъзолари касалликлари, хусусан умуртқа поғонаси чурраси яқинларгача тезкор жаррохлик амалиёти билан даволанар эди. Санаторийда «Ормед» тиббий техникасининг ишга туширилиши беморларни жаррохлик амалиётини қўлламадан даволаш имконини берди.

«Чинобод» санаторийси маъданли суви ниҳоятда шифобахш. Бу ерда бир марта даволанган, сувини ичган, шифо топган инсон, албатта, яна шу жаннат-макон гўшага қайтиб келади.

Суннатилла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси,
олий тоифадаги шифокор

Матбуот анжумани

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлат томонидан таълим соҳасини ислоҳ қилишга муҳим аҳамият бериб келинмоқда. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, амалда қўзланган натижаларга эришилди. Умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ бир касбни эгаллаб олишлари учун 9-синф ўқувчиларини касб-хўна таълим тизими билан қамраб олинишига эришилди. Яқинда Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ва «Давархитектурчилик» қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда 20 йил давомида таълим соҳасида олиб борилган ишлар ҳақида кенг маълумот берилди.

Халқ таълими истиқлол йилларида

Мустақиллик йилларида умумтаълим мактаблари жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий ўқув анжомлари билан таъминланиб, янги-янги кўриниш олди.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 8501 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Йигирма йил давомида 351 та янги мактаб биноси барпо этилиб, яна 2470 таси капитал реконструкция қилинди ҳамда 3608 таси капитал таъмирдан чиқарилди.

Президентимизнинг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил қилиш тўғрисида»ги, «2011 йил Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорлари асосида жорий йилда 317 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 45 та янги мактаб бинолари қад кўтармоқда. 272 таси капитал таъмирланиб, реконструкция қилинмоқда. Бундан ташқари, қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилаётган ва олдинги йилда жиҳозланмай қолган 90 га ақин мусика мактабларини меҳел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва чолғу асбоблари билан тўлдириш кўзда тутилган.

Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитиладиган умумий фанлар, дарсликлар ва бошқа қўлланмалар ўқувчиларнинг ёши, имкониятлари ва психофизиологик хусусиятларига мослиги жиҳатидан таҳлил қилиниб, тегишли хулоса ва тақлифлар тайёрланди. Мазмунан такрорланган, изчиллиги таъминланмаган мавзулар аниқланиб, оптималлаштирилди.

Халқ таълими вазирлигининг «Илғор педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот майдонлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 289-буйруғига асосан республика миқёсида 28 та тажриба-тадқиқот майдонлари ташкил этилган. Натижада иккинчи ярим йиллик якунларига кўра 33 интерфаол усуллар амалиётга жорий этилди.

Мамлакатимиздаги барча мактаблар ўртасида оператив равишда ахборот билан алмашишни тизими — мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Бугунги кунда халқ таълими тизимида 8603 та кутубхона ва 1074 та ахборот ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш курсаттичи ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хар йили биринчи синфга қадам қўяётган ўқувчиларга Президент совғаси — янги дарсликлар ва 12 хил ўқув анжомлари тақдим этилиши ҳам яхши аънамага айланди. Мактабларнинг 66,5 фоизи компютер билан жиҳозланган. Мавжуд 9779 та умумий ўрта таълим мактабларидан 9403 таси «ZyONET» тармоғига уланган.

Матбуот анжуманида ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

«Чимён санаторийси» масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти

Меҳнатқаш халқимизни ва инсон
дардига малҳам бўлиб яшаётган,
меҳр-муҳаббат тимсоли —

шифокорларни энг улуг, энг азиз
байрам — Мустақилликнинг

20 йиллиги билан муборакбод этади.



Қалбингизни озодлик шуқуҳи ва истиқлол нури доимо мунаввар қилсин.
Мустақилликнинг ҳар дақиқаси барчамизга қувонч ва эзгулик ҳадя этсин!



Уша шонли «Пахтакор — 79» жамоаси хотираси ҳамда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган фахрийлар ўртасида мини футбол бўйича анъанавий Халқаро хотира турнири бу гал Тошкент вилоятининг Чимён тоғлари кўйида жойлашган «Кўёшли» оромгоҳида ташкил этилди.

— Турнирда ўнта жамоанинг иштирок этгани ҳам унга бўлган қизиқишининг йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатади. Федерациямиз тасарруфидан бўлган «Кўёшли» оромгоҳида спорт билан шуғулланиш, турли спорт тadbирлари ўтказиш учун барча шароит бор. Халқаро хотира турнирида Вера Дуюнова, Лариса Павлова каби спортимиз юлдузлари ҳамда пахтакорчиларнинг оила аъзолари хозир бўлди. АҚШ ва Германия элчихоналари жамоалари иштироки эса турнир нуфузи юқорилигини яна бир бор тасдиқдан ўтказди. Мусобақа ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди, уларни спорт билан жиддий шуғулланишга, машhur футболчиларимизга муносиб издош бўлишга ундайди, — деди ЎзКУФК маданият-маърифий ва спорт ишлари бўлим мудири Ирисмухаммад Абдукаримов.

— Ушбу мусобақанинг

«Пахтакор — 79»: шонли ғалабалар давом этади

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан капитал реконструкция қилинган «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтишида рамзий маъно бор. Зеро, касба уюшмалари меҳнат аҳлини, фахрийларни, ёш авлодни соғломлаштиришга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга маъсул ташкилотлардан бири ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон истеъмол товарлари ишхонаси раҳбари ва аҳолига хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Файрат Зуннунов.

Қизгин кечган беллашувлар голибларни аниқлаб берди. 1-ўринни «Навоийазот» фахрийлар жамоаси қўлга киритган бўлса, мусобақа пешқадамларидан ҳисобланган АҚШ элчихонаси бу гал иккинчи ўрин билан қифояланди. Шохсупанинг 3-ўринни Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси банд этди. «Кўёшли-1» дарвозабони Владимир Фролкин «Энг яхши дарвозабон», АҚШ элчихона-

Хотира турнири

Бугун 11 август. Бундан ўттиз икки йил муқаддам ўзбек футболининг шонли жамоаси «Пахтакор» авиаҳалокатга учраган, бу воқеа миллионлаб футбол ишқибозларини қарахт аҳволга солиб қўйганди. Бу футболчиларни билган, ўзига хос ўйинларидан баҳраманд бўлган муҳлислар ҳали ҳамон уларни қўмсашади, армон билан эслашади.



си вакили Евгений Климов «Энг яхши ҳимоячи», унинг жамоадоши Шерзод Абдурахмонов «Энг яхши тўпурар», «Ўзқабел» ҳужумчиси Олег Тюлкин «Энг яхши ҳужумчи», «Навоийазот» аъзоси Шуҳрат Ризаев «Энг яхши ўйинчи», «Кўёшли-2» сардори Йўлчибой Раҳимжон эса «Муҳлислар меҳрини қозонган ўйинчи» номинантилари голибга айланган.

— Турнир ташкилотчилари

га катта раҳмат! Укам ва унинг жамоадошлари хотирасига ўн икки йилдан буюн хотира турнири ўтказилаётди. Бунинг яна кўп йиллар давом этиши тарафдориман. Мамлакатимизда спортга, хусусан, футболга берилаётган катта эътибор ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатида кучли саккизликка киргани ҳам «Пахтакор — 79»нинг шонли ғалабалари давом этаётганини кўрсатади. Мусобақа якунида голиб ва сўвриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари, шунингдек, пул мукофотлари топширилди.

Акмал АБДИЕВ,
Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбирлари

Биринчи умидбахш ғалабалар

Андижон шаҳрида футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернати иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Мактаб тарбияланувчилари эришяётган ютуқлар эса саяб-ҳаракатлар чакки эмаслигидан далolat. Гулистон шаҳрида ўтказилган 9-12 ёшли болалар ўртасидаги «Футболимиз гўнчаси» республика мусобақаларида биринчи ўрин қўлга киритилганлиги ҳам бунинг тасдиқламоқда.

Яқинда яна бир хушxabар келди. Бухоро шаҳрида ўтган ушбу турнирнинг 11-12 ёшли болалар ўртасидаги баҳсларида Лутфулло Мажидов шогирдлари яна голиблик нашидасини суришди.

Абдулҳай ЮНУСОВ

Касба уюшма спортимиз

Шифокорлар беллашганда

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили ҳамда мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган Соғлиқни сақлаш ходимлари X республика «Саломатлик» спартакиадасининг Навоий вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раёсати қўшма қарори асосида ташкил этилган мазкур спартакиадада соҳа ходимларининг 25 ва ундан ортиқ ёшдаги ходимларидан ташкил топган, биринчи босқичда голибликни қўлга киритган 12 та жамоа иштирок этди. Беллашувлар спортнинг энгил атлетика, стол тенниси, волейбол, арқон тортиш, гуруҳ раҳбарларининг зукколиги сингари 5 та турни ўз ичига олди. Қизгин кечган беллашувлар якунига қўра умумжамоа ҳисобида қизилтепалик спортчи-шифокорлар биринчи, Навбахор туман тиббиёт бирлашмаси вакиллари иккинчи, Навоий тиббиёт коллежи жамоаси аъзолари эса учинчи ўрин сўвриндорлари бўлишди. Голибларга махсус эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Хусан РАЗЗОКОВ,
Мансур АЛОВУДИНОВ

Муборак ой фазилати

Муборак Рамазон ойи кунларида мўмин-мусулмонлар рўза тутиб, тоат-ибодат ва хайрли ишлари билан Аллоҳ таолога имон, меҳр-мурувватга кенг йўл очиб берган замонамизга янада кўпроқ шукрона келтирадилар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ мухбиримизга ушбу муборак ой фазилатлари ҳақида қуйидагиларни гапирди.

Қадб қўри, меҳр тафрети билан

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Аввало, барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ва муборак Рамазонини шариф ойи билан қўлайман.

Маълумки, Рўзанинг фарзлиги Қуръон оятлари, Пайгамбаримиз ҳадислари ва ижмои уммат билан собит бўлгандир. Маълумки, рўзанинг луғавий маъноси «мутлақ ўзини тийиш» бўлиб, рўзадор деб, шариатда белгиб ёшига етган, Аллоҳ таоло розилигини топиш умидида тонг сахардан то кўёш ботгунча еб-ичишдан ўзини тийиб турган кишига айтади.

Истиқлол шарофати ила миллий ва диний қадриятларимизга эркинлик берилиб, Рамазон, ҳайит каби ибодат ва маросимларни мукамал адо этиш, фазилатли кунлар шарофатидан кенг-роқ баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Ана шундай саодатли дамларимиз Рамазон ойи билан боғлиқ бўлиб, бу ойда тугиладиган рўза амали инсонда ўз нафсини бошқара олиш, сабр-қаноатли бўлиш, мақсад сари собитқадамлик билан интилиш каби фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Бу фазилатларни касб этган инсон эса ҳаётда дуч келадиган ҳар қандай тўсиқларни осонлик билан енгиб ўта олади. Рўза инсонни ҳалол-поқликка даъват этади, унинг қалбини турли губорлардан тозалайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 183-оятда шундай баён қилади: «Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилинган каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз».

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзлигига ишонган ва Аллоҳ таоланинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари ке-

чирилади», — деганлар.

Ислоом энгиллик динидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани тақлиф этмайди...», — дейди (Бақара, 286). Унинг марҳамати ва ҳикмати билан бу ибодат ҳам қудрати етган кишиларгагина фарз қилинди. Агар бир киши хасталигининг кучайиши ёки тузаланишининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмзиклик аёл гўдагига зиён етишидан хавотирда бўлса, бундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Улар рўза тутишга мене бўлган сабаблар кетганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табарруқ ёшдаги отахон ва онахонларимиз ҳамда сурункали касаллиги бор кишилар рўза тутма-масалар ҳар кунги рўза учун бир мисқининг бир қўнлик таоми миқдорига фида берадилар.

Барча ибодатлар каби рўзанинг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Жумладан, сахарлики таъхир қилиш (тонг отишига тақаб тўхтатиш), ифторликни эса, аксинча, тез (яъни, кўёш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир.

Рўзадор фақат оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда ўта хушёр, бошқалар билан муомалада мулоийм бўлиши, ўз нафсига ҳокимлик қилиши лозим. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, беморларга ўзининг қалб кўри, меҳр тафти ила ғамхўрлик кўрсатиши даркор.

Рўзанинг мукамал бўлиши учун рўзадор ёлғон сўзлаш, иғво ва бўҳтон



қилиш, нолойиқ сўзлар билан ўзгалар дилини оғритиш каби иллатлардан ўзини сақлаши лозим. Бу борада Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: «Қайси бир рўзадор ёлғон гапирши ва унга амал қилши каби гуноҳларни тарк этмас, ундай кишининг фақат еб-ичиши тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас», — деб марҳамат қилдилар.

Рамазон шариф — тоат-ибодат, кутбароқа, бахт-саодат ойдидир. Шунинг билан бирга, бу ойда гуноҳлар мағфират этилиб, тавба-тазарру, чин илхос ва эътиқод ила қилинган дуолар мустаҷоб бўлиб, қалблар таскин топади, қилинган хайрли ишлар савоби бир неча бор зиёда қилинган ҳолда қабул қилинади, иншоаллоҳ.

Бу мағфират ойда меҳр-мурувват, хайр-эҳсон, саховат, олийҳимматлик кўпроқ қилинади.

Қуръони каримнинг Исро сурасида: «Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг бирдорларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукр эди», — дейилади. (Исро, 26-27)

Демак, силаи раҳм ва турли хайр-эҳсонларни беришда ҳам меъёрдан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ томонидан ман этилган.

Шунингдек, Қуръони каримда хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг суоқли бандалари эканлиги таъкидланади: «Улар эҳсон қилганларида ис-

роф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида — муътадилдир». (Фурқон, 67)

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: «Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинган, қийиниб ясанганлар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар!» — дейилади. (Имом Аҳмад, Ан-Насайи, Ибн Можо ривоятлари).

Исрофга йўл қўймаслик деганда фақат таомининг ортиб қолишини тушунамаслик керак. Балки, ноурин жойга қилинган эҳсон ҳам исрофдир.

Демак, исроф бўлмаслиги учун, аввало, эҳсон қилувчи киши қилмаларга эҳсон қилиниши лозимлигини билмоғи керак, акс ҳолда, ўз эгаларига берилмаган эҳсон мақбул бўлмайди. Чунки, хайр-эҳсон ва зиёфат беришдан асосий мақсад меҳр-мурувват ва эътиқод ташна қалбларга ёрдам кўрсатишдир. Шунингдек, ободонлаштириш ишларига, ёшларнинг илм ва хунар олишлари учун сарф қилинса ҳам мақсадга мувофиқ бўлур.

Рамазон ойида ўтказиладиган ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолда, иқтисод ва тежамкорлик билан ўтказишда эса шариатимиз руҳига мос тушади. Албатта, буларни ўтказишда жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари ила бамаънаҳат қилинган маъқул.

Суҳбатдош:
Зайниддин РИХСИЕВ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Мамлакатимиз аҳолисини Мустақилликнинг 20 йиллиги билан қизгин табриклайди.

Юртимиз фуқароларига, халқ соғлиги йўлида хизмат қилаётган ҳамкасбларимизга сиҳат-саломатлик, метин ирода, оилавий хотиржамлик, омад ёр бўлсин!

Isongna naf keltirish
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir:
Abdulloq Abdurazzoqov
Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV
Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99893 725 46 40; Namangan + 99897 491 79 27; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99890 232 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78
Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com
Nashr ko'rsatkichi:
133
Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev
Navbatchi:
A. Arslonov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov
«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonani muassisi: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Bosilgan topshiri sh vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.30
Buzurmta G — 811
13617 nusxada bosildi
1 2 3 4